



ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ОБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ ТАВСИФИ

Худайназарова Дилноза Гафуровна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0001-1083-2762

dilnozaxudaynazarova17@gmail.com

Аннотация. Мақолада даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи тадқиқ этилган бўлиб, унда даромад ва харажатларга иқтисодий категория сифатида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан берилган таърифлар, миллий ва халқаро стандартларда келтирилган тартиб-қоидалар очиб берилган. Шунингдек, тадқиқотлар натижасида бухгалтерия ҳисобида даромад ва харажатларни назарий жиҳатдан такомиллаштирувчи таърифлар муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: даромадлар ҳисоби, харажатлар ҳисоби, одатдаги фаолият бўйича даромадлар, одатдаги фаолият бўйича харажатлар, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

ОПИСАНИЕ ДОХОДОВ И РАСХОДОВ КАК ОБЪЕКТОВ УЧЕТА

Худайназарова Дилноза Гафуровна

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье рассматривается характеристика доходов и расходов как объектов бухгалтерского учета, раскрываются определения доходов и расходов как экономических категорий, данные зарубежными и отечественными учеными, а также порядок их определения, закрепленный в национальных и международных стандартах. Также в результате исследования автором разработаны теоретически усовершенствованные определения доходов и расходов в бухгалтерском учете.

Ключевые слова: отчет о прибылях и убытках, отчет о расходах, доходы от обычной деятельности, расходы от обычной деятельности, бухгалтерский учет, международные стандарты финансовой отчетности.

DESCRIPTION OF INCOME AND EXPENSES AS ACCOUNTING OBJECTS

Xudaynazarova Dilnoza Gafurovna

Samarkand Institute of Service and Economics

Abstract. The description of income and expenses as an object of accounting is researched in the article, in which the definitions of income and expenses as an economic category given by foreign and domestic scientists, the procedures presented in national and international standards are revealed. Also, as a result of research, theoretically improving definitions of income and expenses in accounting were developed by the author.

Keywords: income accounting, cost accounting, income from normal activities, expenses from normal activities, accounting, international standards of financial reporting.

Кириш.

Бугунги рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида, шунингдек мамлакатимизда амалга оширилиб келинаётган одилона ижтимоий-иқтисодий сиёсат натижасида турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг сони тобора ортиб, уларнинг фаолият турлари ҳам кенгайиб бормоқда. Ушбу субъектлар фаолиятининг асосий мақсади бу соф фойда олишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 347-моддасига мувофиқ, “Соф фойда деганда жами даромад ва доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқ тушунилади” (Қонун, 2019). Корхоналар томонидан эришиладиган ушбу молиявий натижалар бўйича кўрсаткич, албатта, мамлакат иқтисодий барқарорлигига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонида Республика иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида “барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш” (Фармон, 2023) бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Республикаимизда эришилаётган бу каби натижалардан хулоса қилиб айтиш жоизки, корхоналар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромад манбаларини ошириш, ушбу даромадларни олиш йўлида амалга ошириладиган харажатларни тўғри бошқариш, қисқартириш ва таннархни пасайтиришга эришиш бугунги кунда энг долзарб вазифаларга айланиб бормоқда.

Тармоқ соҳаларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда корхоналар фаолияти ҳамда уларнинг натижаси ҳам бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, айрим корхоналарда амалга оширилаётган фаолият тури мазкур корхонада асосий фаолият ҳисоблансада, бироқ бошқа бир корхонада ушбу фаолият асосий бўлмаган фаолият ҳисобланиши мумкин. Шундай экан, ҳар бир корхона унинг фаолият кўрсатиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда асосий ва асосий бўлмаган фаолиятни амалга ошириб, ушбу фаолиятлар натижасида наф олади.

Республикаимизда 2024 йил 6 августда янги таҳрирда ишлаб чиқилган 1-сонли БҲМС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати” 96-бандида “Ташкилот молиявий ҳисоботларга изоҳларда даромадлар ва харажатлар турлари ёки фаолият турлари бўйича таснифлаш йўли билан даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиб бериши керак” (БҲМС, 2024), деб келтирилган. Демак, меъёрий ҳужжатларда келтирилган бундай қоидаларга мувофиқ, корхоналар фаолиятини таснифлаш муҳим ҳисобланиб, корхоналар фаолиятининг бундай таснифланиши уларнинг фаолиятларини амалга ошириш натижасида олинган даромадларга бевосита боғлиқдир. Чунки, корхоналарнинг фаолиятларини белгилаб берувчи ташкилот ҳисобланадиган вилоят Статистика бошқармаси корхоналар томонидан ҳисобот йили бўйича тақдим этилган статистика ҳисоботларига кўрсатилган айнан корхона даромадларининг улушига қараб уларнинг фаолиятларини асосий, иккинчи, учинчи ва бошқа фаолиятларга ажратиб беради. Корхоналар фаолиятлари таснифи бўйича ушбу жиҳатлар муҳим ҳисобланиб, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳар бир фаолият турлари кесимида бухгалтерия ҳисобини алоҳида юритиш ҳамда ахборотларни молиявий ҳисобот шаклларида ҳар бир таснифий мезонлар бўйича кетма-кетлик тарзида шакллантириш, шунингдек молиявий ва бошқарув ахборот фойдаланувчиларининг асосий ва асосий бўлмаган бошқа даромад ва харажатларига оид ахборотларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Юқорида қайд этилган долзарб вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар фаолиятини асосий ва асосий

бўлмаган фаолият турларига ажратиш орқали даромад ва харажатлар бухгалтерия ҳисобини тадқиқ этишни, жумладан корхоналарда асосий бўлмаган фаолиятлари натижасида олинган даромад ва харажатларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифий ҳамда таснифий асосларини ишлаб чиқишни, корхоналар бухгалтерия ҳисобида даромад ва харажатларни ушбу таснифий белгилари орқали акс эттиришга доир илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни ўз олдимишга вазифа қилиб олдик.

Тадқиқот ишида дастлаб, даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги талқини, халқаро ва миллий ҳисоб таълимотида ушбу бухгалтерия ҳисоби объектларига оид келтирилган таъриф ва тавсифлар, шунингдек хорижий тажрибаларга таянган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда даромад ва харажатлар бўйича келтирилган тартиб-қоидалар тадқиқ этилди.

Молиявий ҳисоботнинг концептуал асосларида қуйидаги таърифлар ишлаб чиқилган: “Даромадлар хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларининг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган тарзда хусусий капиталнинг ошишига олиб келадиган активларнинг ошиши ёки мажбуриятларнинг камайишидир. Харажатлар хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларига тақсимлашлар билан боғлиқ бўлмаган тарзда хусусий капиталнинг камайишига олиб келадиган активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг ошишидир” (Буйруқ, 2022).

Мамлакатмишда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунида “Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар, харажатлар, фойда, зарарлар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир”, деб эътироф этилган (Қонун, 2016).

2-сон БҲМСда асосий хўжалик фаолияти бўйича даромадларга қуйидагича таъриф берилган: “хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти даври давомида вужудга келадиган хусусий капитални кўпайишига олиб келадиган тушум, бундан мулк эгаларининг хусусий капиталга бадали билан боғлиқ бўлган кўпайишлар мустасно” (БҲМС, 2024).

Халқаро ва миллий бухгалтерия ҳисоби таълимотида олимлар томонидан даромад ва харажатларга оид бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, таниқли хорижий иқтисодчи олим Друри (2017) ўзининг бошқарув ҳисобига бағишланган асарида “Асосий харажатлар бу маҳсулотнинг тўғридан-тўғри харажатларни англатади ва маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга бевосита сарфланган меҳнат харажатлари, асосий ишлаб чиқариш материаллари харажатлари ва бошқа ҳар қандай тўғридан-тўғри харажатлардан иборат”.

Бошқа бир хорижий олим Вахрушина (2010), “Харажатлар ҳар қандай моддий бойлик ёки хизматларни сотиб олиш пайтида корхона томонидан қилинган харажатлар сифатида белгиланиши мумкин. Харажатлар бухгалтерия ҳисобида ҳам актив ва ҳам харажат бўлиши мумкин”, деб ўзига хос такидлайди.

Мамлакатимиз олимларидан Уразов (2021) томонидан қуйидаги таъриф берилган: “Барча сарфлар корхонанинг активларини камайишига ёки мажбуриятларини ошишига олиб келмайди. Мисол учун асосий воситаларни ва бошқа моддий бойликларни сотиб олишга сарфланган пул маблағлари корхонанинг жами активларини камайтирмайди, аксинча, уларнинг бир шаклдан бошқа шаклга айланганлигини билдиради”.

Ташназаров (2023), “Харажатлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда сарфланган харажатлар билан ишлаб топилган даромадларнинг аниқ моддалари ўртасидаги мувофиқлик концепциясига асосан тан олинади”, деб таъкидлайди.

Боронов (2023) эса, ишлаб чиқариш корхоналари мисолида қуйидагича тавсифлайди: “Ишлаб чиқариш харажатлари деганда, маҳсулотларни асосий ишлаб чиқариш бўлимларига сарфланган ҳамда ушбу бўлимларда ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулотларнинг таннархини ташкил этадиган харажатлар тушунилади”.

Тошназарова (2021), “Харажатлар – бу кўзланган мақсадларга (маҳсулот ишлаб чиқариш, товарлар хариди, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, лойиҳаларни амалга ошириш) эришиш учун сарфланган барча ресурслар қийматининг пулдаги ифодасидир”.

Даромадлар ҳисобига оид тадқиқотлар олиб борган Эшпулатова (2022), “Даромадлар – бу молиявий ҳисоботнинг асосий элементи бўлиб, ҳисобот даври давомида таъсисчиларнинг қўшимча капитал киритишидан ташқари хусусий капиталнинг кўпайишида ўз аксини топган активларнинг келиб тушиши ва сифатининг яхшиланиши ва мажбуриятларнинг сўндирилиши кўринишида иқтисодий нафнинг олинишидир”, деб таъкидлайди.

Темирханова (2020) эса, туристик корхоналар мисолида қуйидаги таърифни беради: “Туристтик маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум деганда туристларга кўрсатилган трансферт, меҳмонхоналарга жойлаштириш, овқатлантириш, экскурсия қилиш, дам олиш, хордиқ чиқариш, турли маданий, маърифий, маънавий талабларни қониқтирадиган тадбирларга иштирок этиш ва шу каби кўплаб бошқа хизмат турларидан олинган жами соф тушум тушунилади”.

Тадқиқотчи Мустафоев (2024) эса, нодавлат таълим ташкилотларида даромад ва харажатларга ушбу ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича таъриф беради: “Нодавлат таълим ташкилотларида даромад – бу давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқ амалга ошириладиган асосий ва қўшимча фаолият, шунингдек белгиланган тартибга мувофиқ амалга ошириладиган асосий бўлмаган ва бошқа фаолиятларни кўрсатиш натижасида олинган тушум. Нодавлат таълим ташкилотларида харажат – бу давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқ амалга ошириладиган асосий ва қўшимча фаолият, шунингдек белгиланган тартибга мувофиқ амалга ошириладиган асосий бўлмаган ва бошқа фаолиятларни кўрсатиш натижасида сарфланган ресурслар”.

Тадқиқот методологияси.


Даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Корхоналар турли хил фаолиятларни амалга оширишлари мумкин бўлиб, айрим корхоналарда амалга оширилинадиган асосий фаолият бошқа бир корхонада асосий бўлмаган фаолият ҳисобланиши мумкин. Мисол учун, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни асосий фаолият ҳисобланиб, уларни ишлаб чиқариш ва сотиш натижасида олинган даромад ва амалга оширилган харажатлар асосий фаолият бўйича даромад ва харажатлар ҳисобланади. Ушбу корхона асосий фаолиятни амалга ошириш билан бир қаторда молиявий фаолиятларни ҳам амалга ошириш натижасида даромад олиши мумкин. Бундай фаолият саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган фаолият ҳисобланади ҳамда ушбу фаолият натижалари асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган даромад ёки харажат ҳисобланади. Шунингдек, корхона асосий фаолияти қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш ҳамда ушбу фаолият натижасида фойда кўриш мақсадида фаолият юритса мазкур корхона учун ушбу фаолият молиявий фаолият эмас, балки савдо фаолияти ҳисобланиб, корхона учун асосий фаолият ҳисобланади.

Демак, хулоса қилиб айтиш жоизки, даромад ва харажатларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришда уларни турларига ажратиш ва ҳисоб сиёсатида белгилаш муҳим ҳисобланиб, корхонада ушбу ҳужжат асосида бухгалтерия ҳисоби юритилиши лозим.

Корхоналарда даромад ва харажатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш орқали уларни таснифий асосларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:



1-расм. Даромад ва харажатлар таркиби

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Демак, бундан кўриниб турибдики, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида кўрсатилган тартибга мувофиқлаштириш мақсадида даромад ва харажатларни даставвал икки гуруҳга ажратиш, ундан кейин уларнинг ҳар бирини яна алоҳида таснифлаган ҳолда бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Мазкур илмий-тадқиқот ишида тадқиқ этилган даромад ва харажатлар бўйича натижалардан хулоса қилган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда ушбу атамаларнинг уларнинг корхона фаолиятидаги аҳамиятига мос келувчи ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини ҳисоб объекти сифатида очиқ берувчи таърифларини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Одатдаги фаолият бўйича даромадлар деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятдан келиб чиққан ҳолда тайёр маҳсулот, товар, иш ва хизматларни сотиш натижасида ҳамда молиявий фаолиятни амалга ошириш бўйича олинган даромадлар.

Бошқа даромадлар деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва молиявий фаолиятларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳамда кўзда тутилмаган жараёнлар натижасида олинган даромадлар.

Одатдаги фаолият бўйича харажатлар деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятдан келиб чиққан ҳолда сотилган тайёр маҳсулот, товар, иш ва хизматларнинг таннархи ҳамда молиявий фаолиятни амалга ошириш бўйича харажатлар.

Бошқа харажатлар деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва молиявий фаолиятларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳамда кўзда тутилмаган жараёнлар натижасида амалга оширилган харажатлар.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу муаллифлик таърифлари корхоналарда даромад ва харажатлар ҳисобини тўғри юритишга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, корхоналарда даромад ва харажатларни уларнинг бухгалтерия ҳисобида тан олинишига қараб гуруҳларга ажратилган ҳолда ҳисобини юритиш лозим. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган таърифлар корхона даромад ва харажатларини уларнинг фаолиятларидаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритишга ҳамда ҳисоботларда акс эттиришга хизмат қилиб, бухгалтерия ҳисобини назарий ва амалий томондан янада такомиллаштиришга кўмаклашади.

Шунингдек, корхоналарда даромад ва харажатларни биз томонимиздан тавсия этилган шаклда бухгалтерия ҳисобини юритиш халқаро меъёрларда келтирилган қоидаларга мос келади. Корхоналарда ушбу меъёрлар орқали даромад ва харажатлар ҳисобини юритиш молиявий ахборот фойдаланувчиларга тизимли равишда ахборотларни тақдим этишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Drury C. (2017) *Management and Cost Accounting, 10th Edition* Colin Drury. Annabel Ainscow. ISBN: 978-1-4737-4887-3.

Боронов Б.Ф. (2023) *Ёғ-мой маҳсулотлари ҳисоби методологиясини такомиллаштириш*. –Т.: ТМИ, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, -244 б.

Бўйруқ (2022) *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи. Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асослари. 2022 йил 10 ноябрь, 61-сон.*

БҲМС (2024) 1-сон БҲМС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати”. 06.08.2024 й. 3544-сон.

БҲМС (2024) 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар”. 05.08.2024 й. 3542-сон.

Вахрушина М.А. (2010) *Бухгалтерский управленческий учет: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / М.: Издательство «Омега-Л», – 570 с.*

Қонун (2016) *Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.*

Қонун (2019) *Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (янги таҳрири). Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон.*

Мустафоев А.Ф. (2024) *Нодавлат таълим ташкилотларида харажатлар ва даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи: халқаро ва миллий жиҳатлар. // “Иқтисодиёт ва туризм” халқаро илмий ва инновацион журнали. №6(20).*

Ташназаров С.Н. (2023) *Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1. Дарслик. Самарқанд: “Step-Sel” МЧЖ нашриёти, -580 бет.*

Темирханова М.Ж. (2020) *Туристтик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. -Т.:.*

Тошназарова Д.С. (2021) *Харажатлар ва таннарх тушунчаси, уларнинг мазмуни ва тавсифи. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь.*

Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. (2021) *Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 560 бет. 287-бет.*

Фармон (2023) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2023 йил 11 сентябрь. ПФ-158.*

Эшпулатова З.Б. (2022) *Корхоналарда даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. – Т.: ТДИУ, иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, -148 б.*